**Ушбу сонда:**

**2** Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлиги РАҲБАРДАН ТАЛАБ ЎЗГАЧА
**3** TV — ДАСТУРИ
**4** ШАНБА — ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2003 йил 14 июн, шанба № 92 (1517)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЭРОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИГА РАСМИЙ ТАШРИФИГА ДОИР

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Эрон Ислом Республикаси Президенти Саййид Муҳаммад Ҳотамий таклифига биноан 2003 йил 17-18 июн кунлари расмий ташриф билан Эронда бўлади.***

Ташриф чоғида ўзаро муносабатларнинг ҳозирги аҳволи ва истиқболлари, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар, минтақада халқаро транспорт коммуникацияларини ривожлантириш масалалари муҳокама этилиши ҳамда қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилмоқда.

*Тадбиркорлик — давр талаби*

Ғ.ХИДИРОВ олган суратлар

## БЕРУНИЙ ЧЕВАРЛАРИ

Озоджон Кўшакиевни нафақат Беруний туманида, балки қорақалпоғистонликлар уддабурон, тадбиркор йигит сифатида яхши танишади ва ҳурмат қилишади.

Асли мутахассислиги иқтисодчи бўлган О.Кўшакиевни мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ омилкорлик билан иш юритиб, мулкка эгалик қилиб, йигит-қизлар иш билан банд бўлишига эришди. Ҳозирги кунда 20 нафарга яқин йигит қурилиш ишлари билан машғул бўлишса, 28 нафар чевар қиз туман марказидаги «Аҳмаджон» аҳолига маиший хизмат кўрсатиш хусусий фирмасида меҳнат қилмоқда. Шунингдек тикувчилик фирмаси қошида учта жойда эркаклар, битта жойда аёллар сартарошхонаси, этикчилик ҳамда суратхона мунтазам ишлаб турибди.

Айниқса, омилкор тадбиркор 2001 йилда йўловчи ташиш транспортлари бўйича ўтказилган республика тендер танловида ғолиб чиқиб, туманлараро йўловчи ташиш автоуловларини мунтазам қатнашини ҳам йўлга қўйган. Тикувчилик цехида эса ўз ишининг устаси бўлган чеварлар эл олқишини олишмоқда. Цех бошқарувчиси Гулзебо Бозорбоева, бичувчи Зеваржон Қодирова, тикувчи Моҳидахон Маҳанова сингарилар кичик корхонанинг илғорларидан саналишади.

**Б. ЭРНАФАСОВ**

*Йиллар ва одамлар*

## ИСЛОҲОТ МОҲИЯТИ

***Ташаббускорлик, тадбиркорлик ромитанликлар учун одат тусига кирган. Бундан бир неча йил олдин синов тариқасида мавжуд 17 та ширкат хўжалиги тугатилиб, ўрнига фермер жамоалари ташкил этилганди.***

Вақт – олий ҳакам. Янгилик қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга хизмат қилувчи ишончли восита сифатида нуфузли йиғинларда мутахассислар томонидан эътироф этилди. Деҳқонга берилган эркинлик, бозор иқтисодиёти даврига хос соғлом рақобат, бир сўз билан айтганда, мулкка эгалик ҳисси охир оқибат ўз натижасини кўрсатди. Дон, пахта етиштириш салмоғи ортди. Кейинги йилда иқтисодий барқарорлик сари янада илдамроқ қадамлар қўйилди. Сифат силжишлари ҳам қайд этилди. Сарф-харажатларни кескин камайтириш эвазига ўн миллион сўмлик маблағ тежаб қолинди.

Фермер жамоалари бугун ҳам туб ислоҳотлар моҳиятини теран англаб, янги марралар сари одимламоқдалар. 800 дан зиёд фермер шу эзгу ният йўлида астойдил меҳнат қилмоқда. Президентимизнинг «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони деҳқонга қанот бағишлади. Улар ўз мустақиллиги ва эркин фаолият юритишларини тўлатўкис кафолатлайдиган муҳим ҳужжатга эга бўлишди. Эндиликда хомашёни қабул қилувчи, маҳсулотни қайта ишловчи корхоналар, хизмат кўрсатувчи субъектларнинг барчаси фермерларга қайишади.

Йирик жамоалардан бири саналган Ибн Сино агротеххизмат ҳудудий бирлашмаси бунга яққол мисол бўлиши мумкин. Бирлашма фермерлар уюшмаси ўрнида ташкил этилиб, собиқ уюшма раиси бирлашманинг раҳбари мақомини олган. Шундан сўнг маҳобатли идорага ҳожат қолмагач, уни мактаб ўқувчилари ихтиёрига топширишди.

Бирлашма 5-6 нафар мутахассис билан марказий устахонага кўчиб ўтди. Ишни ташкил этиш ва назорат қилиш ҳам ўз-ўзидан анча осонлашди.

Жамоада 38 нафар фермер фаолият кўрсатмоқда. 210 гектар бошоқли дон экинлари майдони мавжуд.

– Ишбилармон асл деҳқонлар бош бўлган ерларда иш анча енгил кўчаркан, - деди бирлашма раҳбари Давлатжон Мавлонов. — Мана «Ривож», «Турсунобод», «Лазиз», «Ғайрат» сингари фермер хўжаликларни олиб кўрайлик. Қай бири даласига борманг, саранжом-саришталикни, ибратли ташаббусларни кўрасиз.

Д.Мавлонов айтганидек, ишни кўзини билиб, йилдан-йилга юксак довонларни кўзлаётган илғор фермер жамоалари барчага ибрат бўлмоқдалар. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан кенг ва равон йўллар, кўркам боғ-роғлар яратилаётир. Маҳалла гузарлари ободонлашиб, мактаблар қайта таъмирланмоқда. Ҳазортуғ қишлоғида марказлашган маблағлар ҳисобига янги мактаб биноси қурилиши ниҳоясига етказилди.

Аммо ҳамма ҳам хайрли ишларда фаол қатнашаяпти деб бўлмайди. Шундай фермер жамоалари борки, ўз аравасини тортишга қодир эмас. Гарчи улар шартнома шартлари ижросини таъминлай олмасалар-да, ерни ширкат хўжалигидан узоқ муддатда ижарага олганликларини пеш қилишмоқда.

Масалага ойдинлик киритиш мақсадида туман ҳокимияти дастур ишлаб чиқди. Унга асосан, фермер ерни узоқ муддатли ижарага олиб, уни мерос қолдириш ҳуқуқи сақланди. Лекин шу билан бирга, бордию ерга хўжасизларча муносабатда бўлинса, ер ҳеч иккиланмай бирлашма ихтиёрига олиб берилади. Ҳалол рақобат эса фермер жамоаларини омилкорлик ва тадбиркорлик билан иш юритишга ундаши, табиий. Бу ҳаётий хулоса ўз исботини топаётир. Туманда самарали меҳнат қилиб, мўлкўл ҳосил етиштиришнинг уддасидан чиқаётган фермерларга янги-янги истиқбол эшиклари очилмоқда. Бироқ гуруч курмаксиз бўлмагандек, Ибн Сино фермерлар бирлашмасида фаолият кўрсатаётган «Неъматобод», «Ҳамро Наврўз», «Жума Назар» каби фермер хўжаликлари зиммаларидаги масъулиятни унутиб, ердан унумли фойдаланмаётирлар. «Неъматобод» фермер хўжалиги 45-50 центнердан ошириб пахта берадиган майдонни бутунлай унумсиз ерга айлантирганини қандай изоҳлаш мумкин?! Натижа ҳам шунга яраша. Жамоанинг банкдаги ҳисоб рақамида бир сўм ҳам пули йўқ. Шу боис ўтган йилги иш ҳақидан қарздорлик мавжуд. Кўрсатилган хизмат учун фермер жамоасининг бирлашмадан қарзи 1,6 миллион, МТПдан 208 минг сўмни ташкил этади. «Кимётаъминот» ва солиқ идораларидан қарзи ҳам анчагина. Шартномадаги 34,8 центнер ўрнига 20,7 центнер пахта ҳосили олган жамоадан нимани ҳам кутиш мумкин?!

Янгилик ҳеч қачон осон кечмайди. Муҳими, ҳар бир нарсадан вақтида тўғри хулоса чиқариш.

**Усмон НАВРЎЗ,**
**«Ишонч» мухбири**

## ҚИШЛОҚДА ТИББИЙ ХИЗМАТ

*Янгиобод туманидаги Савот қишлоғида врачлик пункти иш бошлади.*

*Шундай қилиб, қишлоқ врачлик пунктлари сони вилоятда 96 тага етди. Шундан эллик олтитаси бюджет маблағи ҳисобидан, қирқтаси ҳашар йўли билан бунёд этилди. Мустақиллик байрами арафасида яна олтита шифо маскани иш бошлайди. 2003 йил охирига бориб вилоятда қишлоқ врачлик пунктлари сони 116 тага етади.*

*Қишлоқ инфратузилмасини такомиллаштиришнинг муҳим шартларидан бири ҳисобланган тиббий хизматни яхшилаш масаласига мунтазам эътибор қаратилаётгани боис уларнинг моддий имкониятлари ҳам мустаҳкамланиб бораётир. Шу йилнинг ўзида Бахмал, Фориш, Ғаллаорол ва Янгиобод туманларидаги олтита қишлоқ врачлик пункти «Дамас»ли бўлди. Шунингдек, Фориш, Янгиобод туман марказий шифохоналари бинолари тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, замонавий тиббий жиҳозлар ва аппаратлар билан таъминланди.*

**(ЎзА)**

## ИНСОНПАРВАРЛИК ЁРДАМИ

Оролбўйи аҳолиси саломатлигини мустаҳкамлашга ҳисса қўшаётган халқаро инсонпарварлик ташкилотлари сони ортиб бормоқда.

Улар қаторига Германиянинг «Акцион медиор» ташкилоти ҳам қўшилди. Ташкилот халқаро Ибн Сино жамғармаси орқали Қорақалпоғистонга йигирма номдаги дори-дармон етказиб берди.

Инсонпарварлик ёрдами таркибида камқонликни даволайдиган дорилар, турли витамин ва бошқа препаратлар бор.

Умумий қиймати олти минг еврога тенг бўлган ушбу дори-дармонлар республика болалар шифохонасига, республика сил касалликлари болалар санаторийсига, Хўжайлидаги бўғин касалликларини даволашга ихтисослаштирилган болалар санаторийсига ҳамда барча туманлардаги шифохоналарнинг болалар бўлимларига тарқатилди.

## БОЛАЛАР ГЕРМАНИЯДА ДАВОЛАНМОҚДА

Мамлакатимизга ташриф буюрган Германиянинг «Фриденсдорф Интернешнл» халқаро ташкилоти раҳбари Роналд Гегенфуртнер бошчилигидаги делегация аъзолари «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси раиси С.Иномова билан ҳам музокара ўтказди.

«Фриденсдорф Интернешнл» 1967 йилда тузилган бўлиб, ривожланаётган мамлакатлардаги 12 ёшгача бўлган ногирон болаларни даволаш ва реабилитация қилиш билан шуғулланади. Хозирги кунда у 25 дан зиёд мамлакат билан ҳамкорлик қилади.

Жамғармадаги учрашувда мамлакатимизда соғлом авлодни вояга етказиш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар хусусида сўз борди. Томонлар, шунингдек, келажакда ҳамкорлик кўламини янада кенгайтириш, қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш масалаларини кўриб чиқди.

2002 йилнинг июл ойида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Соғлом авлод учун» жамғармаси ва «Фриденсдорф Интернешнл» ўртасида уч томонлама ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган эди. Мазкур ҳужжат ўзбекистонлик болаларнинг Германия тиббиёт масканларида даволанишини назарда тутади. Битим доирасидаги амалий ишлар ўтган йилнинг августидаёқ бошланди. Ўшанда 13 нафар бемор Германияга юборилган.

Ташриф давомида «Фриденсдорф Интернешнл» вакиллари ўша болаларнинг ота-оналари билан учрашди. Суҳбатда меҳмонлар болаларнинг даволаниши қандай кечаётгани, улар учун яратилган шарт-шароит, беморлардаги ижобий ўзгаришлар тўғрисида гапириб берди, ота-оналарни қизиқтирган талай саволларга жавоб қайтарди.

Яқинда ўзбекистонлик болаларнинг яна бир гуруҳи Германияга даволаниш учун юборилади.

**(ЎзА)**

***Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети ҳузуридаги академик лицейнинг янги биноси қуриб битказилди.***

## ЯНА БИР ТУҲФА

Лицей биноси 825 ўқувчига мўлжалланган бўлиб, барча қулайликларга эга. Бу ерда тўртта компьютер ва тўртта лингафон синфи, ўқув лабораторияларига эга физика, химия ва биология фан кабинетлари мавжуд.

Иморатнинг белгиланган муддатда бунёд этилишида бош пудратчи - «Қизкеткен» очиқ турдаги акционерлик жамиятининг ҳиссаси катта бўлди. Пардозлаш ишларини Хива шаҳар «Уста» бирлашмаси қурувчилари амалга оширди. Жами бир миллиард 367 миллион сўмлик иш бажарилди.

Лицей биноси Нукуснинг 70 йиллик юбилейи кунида фойдаланишга топширилади.

*Бор бўл, оқибат!*

## МЕТАЛЛУРГЛАР ШИФО МАСКАНИ

«Ўзбекистон металлургия комбинати» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг саломатлик маскани ҳақида илиқ гаплар айтишади. Боиси, мустақиллик йилларида бу ерда катта ўзгаришлар юз берди. Бир қаватли кўримсизгина уйда жойлашган шифохона эндиликда тўрт қаватли муҳташам бинога эга. У замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан тўла жиҳозланган. Бу ердаги поликлиника, кундузги стационар, умумий терапия, тезкор даволаш бўлимлари намунали фаолият кўрсатмоқда. Биргина поликлиниканинг ўзи кунига 150 кишини қабул қилиши мумкин.

Республика Президентининг «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлаш тизимидаги давлат ислоҳотлари дастури», Вазирлар Маҳкамасининг «Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибини такомиллаштириш» тўғрисидаги қароридан сўнг мазкур шифохона 2001 йил ёз ойидан хўжалик ҳисобида ишламоқда. Шундай бўлсада, металлурглар, аҳолининг кам таъминланган тоифаси бепул муолажа қилинади. Бунинг учун 60 ўринли ажойиб маскан ажратилган. Хўжалик ҳисобидаги 42 ўринга мўлжалланган бўлимда эса бекободликлардан ташқари қўшни шаҳар ва туманлардан беморлар келиб, яхши даволаниб, дарддан фориғ бўлишмоқда.

«Ўзметкомбинат» акционерлик ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳомийлик ёрдами кўрсатмоқда. Шифо масканининг биноларини таъмирлаш, керакли жиҳозларни келтириш металлурглар корхонаси томонидан бекаму кўст амалга оширилмоқда. Ўтган йили қозонхона жорий таъмирдан чиқарилганди. Шу кунларда эса физиотерапия бўлими яхшилаб созланмоқда. Эътиборлиси шуки, севимли масканда ишчилар бепул даволанишдан ташқари, ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказилади. Январ-май ойларида 5500 нафар металлург шифокор назоратида бўлиб, касаллик аниқланган кишилар амбулатория ёки стационар шароитида саломатликларини мустаҳкамладилар.

Шифо масканининг таркибий бўлимларида 6 та пункт мавжуд бўлиб, уларда малакали шифокорлар ишлашади. Ишчи-хизматчи истаган пайтда тиббий ёрдам олиши мумкин. Даволаш қисми бош шифокори Бахтиёр Ёрлақабовнинг таъкидлашича, оқ халатлилар замонавий медицинанинг илғор усулларидан унумли фойдаланишмоқда. Яқин кунлар ичида фитобар, кислород-коктейл хонаси очилади. Бу ерда саломатликни мустаҳкамлаётган қайси бир металлург билан суҳбатлашманг, улар ўзларига яратилган шароит, шифокорларнинг хизмат бурчига масъулият билан ёндошаётгани хусусида мамнуният билан гапиришади. Хусусан, касб байрамларини ёруғ юз билан қаршилаётган олий тоифали шифокорлар Р.Тошмуҳаммедова, М.Зокиров, биринчи тоифали шифокорлар Х.Жумаев, Қ.Олимов, ҳамширалар Ш.Раҳмонова, А.Ёшарова, З.Отабоевалар катта ҳурмат-эътибор қозонишган.

**Т.УСМОНОВ,**
**И.МАМАТҚУЛОВ,**
**«Ишонч»нинг жамоатчи мухбирлари**

*Оғусиз дунё сари*

## ГИЁҲВАНД ҲАЁТИ ФОЖЕА

***Ҳозирда жаҳон ҳамжамияти рўбарў келаётган энг катта муаммолардан бири гиёҳвандлик ва гиёҳфурушлик. Бу тубсиз офатдир. Оғу фуқаролар, айниқса, ёшлар соғлиғию ҳаётига хавф солаётганини кўриб-билиб турибмиз. Ярамас иллатга қарши муросасиз курашиш бугунги куннинг долзарб вазифасидир.***

Гиёҳвандликнинг жамият ва фуқароларга етказаётган моддий, ҳам маънавий зиёнини, жуда катта ижтимоий жиҳатдан хавфли томонларини ҳисобга олган ҳукуматимиз 1995 йилнинг февралида БМТнинг гиёҳванд ҳамда асабга кучли таъсир этувчи моддаларни ишлаб чиқариш ва тарқатишга қарши давлатлараро кучларни бирлаштириш Конвенциясига қўшилган эди. Бу борадаги тадбирларни амалга ошириш ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва прокуратура органлари ходимларининг ҳам долзарб вазифасига айланди.

Агар шундай кўринишдаги жиноятларга қарши курашга оид маълумотларни таҳлил қилсак, гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш ёки ўтказиш билан боғлиқ вазият мураккаб кечаётганлигини кўрамиз. Кучли наркотик моддаларни истеъмол қилишга мойиллиги бор шахслар баъзи жойда камаймаётганлиги ташвиш уйғотади. Мутахассислар, тиббиёт ходимларининг фикрича, гиёҳвандлик дардига дучор бўлганларнинг аксарияти кайф берувчи модда сифатида бир-икки марта қабул қилгандан сўнг, унинг домига тушиб қолади. Вақт ўтиши билан ихтиёри ва иродасини қўлдан бой беради. Ҳатто ҳар қандай қабиҳликка қўл уради, ота-она, ака-ука, оилаю фарзандларини ўйламай қўяди. Меҳнатга иштиёқсиз, ёлғондан уялмайдиган, ҳаром-ҳаришни ажрата олмайдиган, иймонини йўқотган кимсага айланади.

Аввалига оғу гўё барча ташвишлардан фориғ этувчи, кайфиятни кўтарувчи восита сифатида инсон онгига кирса, охир-оқибат мияни, вужудни гирдобига тортиб, жиноятга етаклайди. Энг ташвишлиси, гиёҳванд ҳаёти фожеа билан якун топади.

Чортоқ тумани Гулдиров қишлоғининг Сой маҳалласида истиқомат қилувчи Камолиддин Анорбоев беш йил муқаддам гиёҳвандлик моддаси билан боғлиқ жиноят содир этиб, судланганди. У уч йил озодликдан маҳрум этилган бўлса-да, кўзи очилмади. Тўғри йўлни топмади. Оқибатда яна қора курсига ўтирди. Шу йилнинг январида К.Анорбоев ҳамтовоғи Д.Мирзабоев билан олдиндан ўзаро тил бириктириб, гиёҳвандлик моддасини ўтказиш мақсадида сақлашади. Улар ҳамқишлоғи С.Умрзоқовга 2,2 грамм марихуана моддасини қонунга хилоф равишда сотишади. Эртаси куни қоронғида топишганлар жиноий ҳаракатни давом эттириб, фуқаро Т.Набиевга 142 грамм оғуни катта пулга сотишга келишишади. Бироқ харидорнинг нақд пули йўқлиги боис савдо пишмайди. Кўп ўтмай улар бели оғримай пул топишга жазм қилган С.Умрзоқовга қайд этилган гиёҳвандлик моддасини сотаётган вақтда Ички ишлар бошқармаси ходимлари томонидан қўлга олиндилар.

Қозонга яқин юрсанг қораси, ёмонга яқин юрсанг балоси юқади. Гиёҳванд модда сотувидан тушган ҳаром пул эвазига спиртли ичимлик олиб, бирга кайфу сафо қилган Х.Ҳакимов ҳам жиноятчилар ёнидан ўрин олди. У наша сотилганлигидан хабардор бўла туриб, оғир жиноятни яширганлиги, бу ҳақда тегишли идорага хабар бермаганлиги учун адолатли тарзда айбланди.

Туман жиноий ишлари бўйича суди судьяси С.Воҳидова раислигида ушбу жиноий иш кўриб чиқилди. Судланувчи К.Анорбоевни 13 йилга, Д.Мирзабоевни 12 йилга озодликдан маҳрум қилиш хусусида ҳукм ўқилди. Х.Ҳакимов эса 3 йил ахлоқ тузатиш иши билан жазоланди.

Энг ачинарлиси, судланганлар қарамоғидаги норасида фарзандлар тақдиридир. Оталар касофатига уларнинг умрдошлари энди не-не қийинчиликларга дучор бўладилар. Бундай кўнгилсиз воқеалар ҳар биримизни ўйлашга, чуқур мушоҳада юритишга, одамларга чексиз кулфат келтираётган оғуга қарши муросасиз курашишга ундайди.

**Ёқубжон ЖАМОЛОВ,**
**Чортоқ тумани прокурори,**
**адлия маслаҳатчиси**

# ЎЗ ДОНИМИЗ — ШИРИН НОНИМИЗ

***Бу йил ҳам сурхонлик ғаллакорлар мамлакатимизда биринчилардан бўлиб ўрим-йиғим ишларига киришдилар. Айни кунларда Жарқўрғон, Қумқўрғон, Музработ, Ангор ва Термиз туманларида иш юқори суръатларда амалга оширилмоқда.***

Айниқса, Термиз туманидаги «Халқобод» ширкат хўжалиги ғаллакорлари қатор йиллардан буён ғалла ўрим-йиғимида нафақат вилоятда, балки республикада илғорликни қўлдан бермай келишаётир. Хўжалик ғаллакорлари 263,5 гектар ерда ҳосил етиштиришди. 115 гектардаги тезпишар ва серҳосил «Чиллаки» нави тўлиқ йиғиштириб олинди. Эшдавлат Эгамбердиев, Бекмурод Дониёровлар бош бўлган оилавий пудратчилар 48 центнердан 54 центнергача хирмон кўтардилар. Оилавий пудратчи Нурали Норбўтаев, Илҳом Қиличев, Зарли Бобоназарова, опа-сингил Мавжуда ва Ўлмасой Дониёровалар ҳар гектар ғалла майдонидан 60-65 центнердан ҳосил олишди. Ғаллакорларнинг заҳматли меҳнатларини туман машина-трактор паркига қарашли «КЕЙС» комбайни янада осонлаштирди.

– Ғаллакорларимиз кайфияти аъло. Улар мўл-кўл ғалла ҳосилидан қувониб туришибди, - дейди «Халқобод» ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси Чори Алимов. – Қолаверса, хўжалик маъмурияти билан ҳамкорликда ғалла ўрим-йиғим мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан тадбир ишлаб чиққанмиз. Унга мувофиқ, энг илғор бош пудратчига бир бош қорамол, оилавий пудратчига бир бош қўй берилади. Сифатли ва энг кўп ғалла ўрган комбайнчига 1 тонна буғдой бепул берилади. Ҳар бир оилавий пудратчи етиштирган ғалла ҳосилининг 40 центнердан юқориси ўзига берилади. 36 центнердан 40 центнергача бўлган донни оилавий пудратчиларга иш ҳақи сифатида берилишига келишиб олганмиз.

Қумқўрғон туманидаги С.Бойматов номли ширкат хўжалиги ғаллакорлари 1800 гектар ерда 175 нафар пудратчи етиштирган ғаллани ўриб олишиб, барчага ўрнак бўлишяпти. Улар Қумқўрғон машина-трактор паркининг 5 та қудратли «КЕЙС» русумли комбайнлари билан ҳар куни 120-130 гектар майдондаги ғаллани ўриб олишмоқда. Бундан ташқари, хўжаликнинг 6 та «Енисей» русумли комбайни ҳам ғаллакорларга мадад бераётир.

– Оилавий пудратчи Рустам Хўжақулов, Икром Чориев, Абдуҳофиз Суюнов, Назар Шодиев кабиларнинг заҳматли меҳнати боис ҳар гектар ердан 42 центнердан, жами 8 минг тоннадан ортиқ дон олишга аҳд қилганмиз. Бу ваъдамизни яқин кунларда бажарамиз, – дейди ширкат хўжалиги раиси Эргаш Жумаев.

Ғалла ўрими мавсумида фаол иштирок этган илғорлар мавсум якунида рағбатлантирилади. Энг кўп ҳосил олган бош пудратчига «DAEWOO» русумли телевизор, илғор оилавий пудратчилардан 3 нафарига 5 тонна буғдой бепул берилади. Хўжалигимизнинг 12 нафар комбайнчисига 1 тоннадан буғдой ва «Хонжиза» дам олиш уйида бепул ҳордиқ чиқариши учун йўлланма берилади. Ғалла майдонида тер тўкаётган ғаллакорларга хўжалик ҳисобидан 3 маҳал бепул иссиқ овқат берилмоқда, – дейди ширкат хўжалиги касаба уюшма қўмитаси раиси Дониёр Жавлиев.

**Р. ДАВЛАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Меҳнат ва рағбат

***Ўзбекистон Президентининг «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармонида қишлоқда ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштириш, бошқаришнинг бозор тамойилларига мос келадиган ташкилий тузилмасини татбиқ этиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчиларнинг мустақиллигини кенгайтириш ҳамда уларнинг ишончли ҳуқуқий муҳофазасини таъминлаш вазифалари белгилаб берилган.***

# ДЕҲҚОННИНГ ИШОНЧЛИ ҲАМКОРИ

Халқимиз учун моддий неъматлар яратаётган деҳқонлар манфаатларини таъминлашга қаратилган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароит яратиш, тайёрлов, қайта ишлаш корхоналари, моддий-техника ресурслари етказиб берувчилар, молия, банк муассасалари ҳамда бошқа хизмат кўрсатиш ташкилотлари фаолиятини кучайтириш ислоҳотларнинг энг муҳим йўналиши ҳисобланади.

Вилоят «Машина-трактор парклари бирлашмаси» очиқ акциядорлик жамияти раислигига Қарши чўлини ўзлаштиришда фаол қатнашган, хўжалик ва туман миқёсида раҳбарлик вазифаларида ишлаган, тажрибали мутахассис Истамбўри Адиев сайлангандан сўнг жамоада маънавий-соғлом муҳит вужудга келди. Уюшқоқлик, интизом ва ишчанлик янада мустаҳкамланди.

– Ҳозирги энг муҳим вазифа бозор иқтисодиёти тамойиллари асосида ҳаракат қилиш, ишлаб чиқариш муносабатларини шакллантиришдан иборат. Қаерда одамларнинг моддий манфаатдорлиги ошса, ўша жойда муваффақиятлар қўлга киритилиб, самарадорлик ортади, - дейди бошқарув раиси.

Қашқадарё мамлакатимизнинг энг йирик ҳудудларидан ҳисобланади. Воҳа қишлоқ хўжалиги юксалишининг ойдин йўлига кирган, республикада етиштирилаётган дон ва пахтанинг салмоқли қисмини етказиб беради. Қишлоқда техника тараққиётини ривожлантириш, янги технологияни жорий этиш, ширкатлар, фермер ва деҳқон хўжаликларига механизация хизмати кўрсатишда туб бурилишга эришиляпти.

Йил давомида мижозларга кўрсатилган хизматлар ва бажарилган юмушлар ҳажми кўнгилдагидек бўлди.

Таъмирлаш устахоналарида 88,6 миллион сўмлик янгидан эҳтиёт қисмлари ишлаб чиқарилди, 56,3 миллион сўмлик эскирган қисмлар қайта тикланди. Техникаларга сервис хизмати кўрсатиш ҳажми 205,1 миллион сўмга етди.

Жорий йилнинг ўтган даврида қарийб 1 миллиард сўмлик эҳтиёт қисмлар олиб келиниб, жамоа-ширкат ва деҳқон-фермер хўжаликларига тарқатилди.

Ишлаб чиқаришда фан ютуқлари, ихтирочилик таклифлари кенг қўлланилмоқда. Изланиш ва тадбиркорлик самара бераяпти. МТП бирлашмаси тизимидаги корхона ва ташкилотлар томонидан 264 дона сеялка, 250 та култиватор, 165 дона ПГС пуркагичлар, 240 та чизеллар ясаб ширкат ва фермер хўжаликларига етказилди. 20 та Андижон усулида плёнка остига чигит экадиган мосламалар сифатли таъмирдан чиқарилди.

Тизимда янгиликлар бисёр. Қарши таъмирлаш заводи, Қарши тумани МТПсида ПГС мосламалари ишлаб чиқариш билан бирга унинг насослари ҳам таъмирланаяпти. Бундан ташқари МТЗ ва Т-4А тракторларининг двигатели учун сув насослари тайёрланаяпти. Китоб, Яккабоғ машина-трактор парклари устахоналарида плёнка остига чигит экиш мосламаларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлиги вилоят бўйича миллионлаб маблағни тежаш ва кўплаб иш ўринлари яратиш имконини бераяпти.

Чўлдаги Миришкор туманида ғўза қатор ораларига ишлов ўтказиш билан бир йўла маҳаллий ўғит берадиган култиватор мосламалари ҳам ишлаб чиқарилмоқда. Қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар дадиллик билан амалга оширилаётганлиги туфайли вилоятга 2 миллиард 300 миллион сўмлик кредит маблағи эвазига 100 та Т-4А русумли ҳайдов трактори, 200 дона ОВХ пуркагичлари олиб келиб тарқатиш мўлжалланаяпти.

Ғалла ўрим-йиғимини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида 222 дона «КЕЙС» комбайнлари учун 720 миллион сўмлик эҳтиёт қисмлар ва мойлаш материаллари олиб келинди. Хориж техникаларини таъмирлаш таннархини камайтириш учун четдан валюта ҳисобига олинаётган айрим деталлар ва эҳтиёт қисмлари МТП устахоналарида ясалиб, қайта таъмирланаяпти. Жумладан Қарши таъмирлаш заводида «КЕЙС» комбайнларининг генераторлари, элаклари қайта тикланмоқда, Транспортёр занжирлари, юлдузчали шестернялар ва бошқа эҳтиёт қисмлар янгидан ясалмоқда. Баҳористон машина-трактор паркида турбокомпрессорни, Китоб МТП сида ёқилғи насосларини таъмирлашга киришилди.

Мавсумда юзлаб Россия комбайнлари ҳам қатнашаяпти. Бирлашма саъй-ҳаракати билан ўрим-йиғим агрегатлари учун 4500 дона секция қисмлари, 20 минг дона сегментлар, двигателига эҳтиёт қисмлар, ременлар етарли даражада тайёрланган.

Ишчилар, инженер-техник ходимларнинг малакасини ошириш, аттестациядан ўтказиш ва қайта тайёрлаш чора-тадбирлари кўрилаяпти. Асосий эътибор деҳқонларга юқори сифатли ва тезкор хизмат кўрсатишга қаратилган.

**И.ИСОМУДДИНОВ**

***Андижон туманида газ ўлчаш асбоблари ишлаб чиқарадиган “Ўзметртех” Ўзбекистон-Корея қўшма корхонаси ишга тушди. Ускуналарнинг дастлабки қисми Фарғона, Наманган, Андижон вилоятидаги истеъмолчиларга маъқул тушди.***

## ИСТЕЪМОЛЧИЛАРГА МАНЗУР

Қўшма корхонага “Андижонвилоятгаз” ва “Шарқ” масъулияти чекланган жамият ҳамда Кореянинг газ-сув ўлчаш асбоблари ишлаб чиқариш корхонаси муассис бўлишди, - деди қўшма корхона директори Нозимжон Маҳбубов “Туркистон-пресс” мухбирига. -Қўшма корхона йилига 120 минг дона газ ўлчаш асбоблари ишлаб чиқариш қувватига эга.

Н. Маҳбубовнинг таъкидлашича, корхона ҳозирда Корея республикасидан келтирилаётган қисмлар асосида газ ўлчаш асбобларини йиғишмоқда. Жанубий Кореялик вакил Сон Жин Монинг айтишича, тез орада ушбу қисмларни ҳам Андижонда ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу албатта, ўз навбатида маҳсулот таннархининг арзонлашувига таъсир қилади. Келгусида “Ўзметртех” цехларида сув ўлчаш асбоблари, хавфсиз газ колонкалари ва кичик қозонхоналар ишлаб чиқарилади.

◆

Тўрақўрғон туманидаги «Бизинтруд» қўшма корхонаси фаолият бошлаганига кўп бўлгани йўқ, лекин корхона қисқа вақт ичида ижобий кўрсаткичларга эришди.

Бу ерда маҳаллий шароит талабидан келиб чиқиб, ёш болалар ва катталар учун кийим-кечак тайёрланяпти. Асосан қишлоқ хотин-қизларидан таркиб топган жамоа туман меҳнат бўлими билан ҳамкорликни намунали йўлга қўйган.

◆

2003 йил – Обод маҳалла йили

# МУКОФОТ МУБОРАК!

***Яқинда «Бутун жаҳон атроф-муҳитни муҳофаза қилиш куни» муносабати билан Республика экологик кўрик-танлови бўлиб ўтди. Унда Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғини биринчи ўринни эгаллади. Ва саломатлик халқаро жамғармаси томонидан 3 миллион сўм маблағ билан мукофотланди.***

Обод маҳалла йили муносабати билан Зангиота туманида эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Ана шундайлардан бири Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғинидир. Бу ерда 7 та маҳалла бўлиб, уларда кенг миқёсда ободончилик – бунёдкорлик ишлари олиб борилятпи. Жойларда аҳоли учун бағоят зарур бўлган чойхона, сартарошхона ва бошқа маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари намунали фаолият юритмоқда. Шуни таъкидлаш жоизки, йил давомида ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилади. Асосий йўлларнинг икки четига турли хил дарахт кўчатлари, гуллар экилиши, ўзгача тароват бахш этди. Шу мақсадда туманга 500 минг туп ҳар-хил гул кўчатлари экилди. Бу иш аҳолининг бевосита саъй-ҳаракати ҳамда корхона, муассаса ва ташкилотлар иштирокида олиб борилди.

Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғини 1932 йилда ташкил топиб, ҳозирда унинг ҳудудида 16 минг аҳоли истиқомат қилади. «Обод маҳалла йили» давлат дастури асосида иш ташкил этилган, – дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Солихўжа Норхўжаев, – бу ерда 5 та мактаб, 3 та болалар боғчаси мавжуд бўлиб, спорт мажмуи ва стадион болалар ихтиёрида. Аҳоли саломатлигини муҳофаза этиш борасида ҳам аниқ тадбирлар амалга ошириляпти. Яна бу ерда компьютер мактаби, маданий ва маърифий марказ ҳам фаолият кўрсатмоқда. Мактабларга 2 миллион сўмлик китоб ва 1,5 миллион сўмга мусиқа асбоблари олиб берилди.

**Ю. ОЧИЛДИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Маъмурият ва касаба уюшма ҳамкорлиги

# РАҲБАРДАН ТАЛАБ ЎЗГАЧА

***Бозор шароитида кўпга бош бўлган киши омилкор, қатъиятли, бир сўмни қаердан олиб, қаерга сарфлашни яхши биладиган киши бўлиши керак. У ҳал қилувчи дамларда масъулиятни зиммага олиб, жамоани ўз ортидан эргаштира билиши лозим. Бир вақтлар Бекобод шаҳридаги «Сарбон» автокорхонаси қийин аҳволда эди.***

Иқтисодий қийинчилик, эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги каби омиллар тараққиётга тўғаноқ бўлаётганди. Шундай пайтда ҳиссадорлик жамияти раиси Азим Раҳмонов, касаба уюшма қўмитаси раиси Маъмуржон Узоқовлар муаммоларни вақтида ҳал этишнинг уддасидан чиқишди. Аввало Ўзбекистон металлургия комбинати, бетон заводи, цемент заводи, пахта тозалаш корхонаси, йўл қурилиши бўлинмаларига автомобиллар билан хизмат кўрсатиш йўлга қўйилди. Кейинчалик, Самарқанд, Ангрен шаҳарларига вакиллар юбориб, катта корхоналарга ўз хизматларини таклиф этдилар. Бу ўзининг кутилган натижасини бера бошлади. Омилкорлик, изланиш ва ташаббус бор жойда ютуқлар кўпаяверади. Иноқ жамоа устахонада аккумулятор ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Тажрибали ишчилар, рационализаторлар таклифлари амалиётга дадил жорий этилди. Жумладан, чиқинди металлардан кетмон, ўроқ ва бошқа рўзғорбоп жиҳозлар тайёрланди. Аҳоли талаби ҳисобга олиниб шлакоблок ҳамда шифобахш сувлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шулар ҳисобига ҳиссадорлик жамияти иқтисодий жиҳатдан ўзини тутиб олди.

Моддий манфаатдорлик ортиб бораяпти. Ходимларнинг ўртача ойлик маоши 28 минг сўмга тўғри келяпти. Бундан ташқари, ишловчилар қўлларидаги акцияларига яхшигина дивидент ҳам олишди. Касаба уюшма қўмитаси раисининг таъкидлашича, май ойининг ўзида жами 46 миллион сўм даромад қилишибди. Бу демак, ижтимоий масалалар кўнгилдагидек ҳал этилади. Ҳозирда ҳар ходимга тушлик пули бериляпти. Боз устига тиш қўйиш хизмати, физиотерапия ва бошқа саломатлик масканларидан унумли фойдаланилмоқда. Эътиборлиси шуки, даволаниш учун кетадиган харажатнинг ярми корхона ҳисобидан тўланади.

Эндиликда барча ҳавас қилаётган автокорхонада қатор сулолалар вакиллари меҳнат қилмоқда. Кекса ишчи Мирзақул Раҳмонбердиев оиласидан уч киши, Равшан Шариповлар оиласидан тўрт киши, ёшлар мураббийси Назир Ёқубов хонадонидан эса беш киши меҳнат қилмоқда. Йилнинг биринчи ярми яхши якунланаяпти. Шу кунгача 24 нафар касаба уюшма аъзоси дам олиш уйларида саломатлигини мустаҳкамлади. Дон ўрим-йиғим мавсуми якунлангач, яна 90 киши сўлим масканларга юборилади.

Маъмурият ва касаба уюшма инсон омилига алоҳида эътибор бераётганлиги, қабул қилинган қарорлар ижроси таъминланаётганлиги меҳнаткашлар кайфиятига таъсир этиб, янада унумлироқ ишлашга чорламоқда. Яна бир гап. Иқтисодий жиҳатдан қийналиб қолган Бўка туманидаги автобус саройи «Сарбон» автокорхонаси ҳисобига ўтказилгач муаммолар ҳал этилди. Энди барча эътибор халқимизга намунали транспорт хизмати кўрсатишга қаратилган.

**Т.ҲАЙДАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**



## КУНДУЗГИ СТАЦИОНАР

Тиббиёт ходимларининг касб байрами арафасида Конимеҳ туманидаги «Шўркўл» ширкат хўжалиги ҳудудидаги «Қатағон» овули аҳолиси қурувчилардан ажойиб совға олди. Мазкур овулда яшовчи қарийб икки минг нафар аҳоли қишлоқ врачлик пунктидан фойдаланиш имконига эга бўлди. Даволаш масканини «Авесто-2000» хусусий қурилиш ташкилоти қисқа муддатда барпо этди. Шифохона хориждан келтирилган тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди ва беморлар учун барча қулайликлар яратилди. Жумладан, кундузги стационар йўлга қўйилди.

- Бу хўжалигимизда мустақиллик йилларида қурилган иккинчи шифохона,- дейди «Шўркўл» ширкат хўжалиги раиси Избосар Сарсенбоев. - Даволаниш масканларининг кўпайиши аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати яхшиланишига сабаб бўлаётир. Айниқса, оналар ва болалар саломатлигига эътибор кучайди.

**(ЎзА)**

# ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Яқин Шарқда вазият ҳамон кескинлигича қолмоқда. Исроил ҳарбий вертолётлари Ғазо минтақасига ракеталар билан зарба беришда давом этяпти. Пайшанба куни ана шундай ҳужум оқибатида яна икки фаластинлик ҳалок бўлди. Аниқланишича, улар ХАМАС ташкилотининг ҳарбийлашган қаноти - «Изиддин алқосим» фаоллари экан.

Исроил-Фаластин можароси туфайли сўнгги икки кун давомида 16 нафар исроиллик ва 9 нафар фаластинлик ҳалок бўлди.

* * *

Японияда чоп этиладиган «Дейли Иомиури» газетасининг ёзишича, Вашингтон Пхенянга ушбу мамлакатнинг ядро дастури бўйича беш томонлама музокара ўтказишни расман таклиф қилган. Унда АҚШ, Шимолий Корея, Япония, Хитой ва Жанубий Корея иштирок этиши кўзда тутилмоқда.

* * *

ОПЕК мамлакатлари нефт қазишни камайтирмаслик, шу билан бирга, апрел ойида қабул қилинган мезонларга амал қилиш тартибининг кучайтирилиши тўғрисида қарор қабул қилган эди. Бу қарор Европа бозорларида нефт нархи кўтарилиб кетишига сабаб бўлди. Маълумотларга қараганда, ОПЕК аъзолари сўнгги икки ой мобайнида кунлик мўлжалдаги 25,4 миллион баррелга нисбатан кўпроқ нефт қазиб чиқарган. Шунга қарамай, ўтган чоршанба куни Лондон биржасида бир баррел нефтнинг нархи яна 36 центга ошиб, 28,44 АҚШ долларини ташкил этди.

* * *

Ўтган чоршанба куни Ғарбий Европанинг «Ариан-5» русумидаги ракетаси коинотга парвоз қилди. У Австралия ва Япониянинг телекоммуникациявий сунъий йўлдошларини фазога олиб чиқди. Мазкур парвоз ўтган йилнинг декабр ойида юз берган шу русумдаги ракета ҳалокатидан кейин илк бор амалга оширилди.

**(ЎзА)**

Ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

# «ИШОНЧ» ТЕЛЕФОНИГА ТАДБИРКОР МУРОЖААТИ

Фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатлари доимий эътиборда. Жорий йилнинг биринчи чорагида вилоят Адлия бошқармасига 110 та ариза ва шикоят келиб тушди. Уларнинг деярли барчаси синчковлик билан кўриб чиқилиб, тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Ариза ва шикоятлар асосида судларга 25 та даъво аризалар киритилди. Бошқармага Ғаллаорол туманидаги «Олтин бошоқ» ширкат хўжалиги ҳудудидаги «Нур», «Наврўз-Б», «Саид-Аҳрор», «Мусо-Бобо», «Акбар-Т», «Ҳамид-Бобо», «Қосимбек» фермер хўжаликлари раҳбарлари ариза билан мурожаат қилиб, 2001-2002 йилларда шартномага асосан «Олтин-Бошоқ» ширкат хўжалигига етказиб берилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари учун тўланмаган маблағни ундиришда ёрдам беришни сўрашган. Ариза ўрганиб чиқилиб, вилоят хўжалик судига фермер хўжаликлари манфаатини кўзлаб даъво ариза киритилди. Даъво ариза қаноатлантирилди ва фермерлар фойдасига тўланмаган қарзни ва пеняни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори чиқарди.

Фуқароларнинг ариза ва шикоятлари юзасидан йўл қўйилган камчилик ҳамда қонунбузилишларни бартараф этиш бўйича 8 та тақдимнома ва 1 та талабнома киритилиб, 2 та маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида иш қўзғатилди.

Жойларда йўл қўйилган камчилик ва қонунбузилишларни тугатиш мақсадида юқори идора, ташкилотларга киритилган тақдимномаларга асосан 27 нафар шахсга интизомий жазо чоралари қўлланилди. Шундан 5 нафар шахс эгаллаб турган вазифасидан озод этилди, 5 киши ўртача ойлик иш ҳақидан жарима, 17 нафарига эса «ҳайфсан» берилган. 11 нафар мансабдор шахсга нисбатан 7 та маъмурий материаллар расмийлаштирилиб, тегишли судларга мазмунан кўриб чиқиш учун юборилди.

Бахмал туманидаги «Сангзор» ширкат хўжалиги раиси А.Холбоевга Адлия бошқармаси томонидан хўжаликда аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича кўрсатмалар берилган бўлишига қарамай, уларни бартараф этиш чораларини кўрмаганлиги учун қонунан ёндошиб, уни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисида ҳужжатлар расмийлаштирилиб, Бахмал туман жиноят ишлари судига тақдим этилди.

Адлия бошқармасининг «Ишонч» телефонларига тадбиркорлик субъектлари томонидан қилинаётган мурожаатлар ҳам ўз вақтида кўриб чиқилмоқда. 11 март куни «Ишонч» телефонига Мирзачўл туманидаги «Багдаулет» фермер хўжалиги раҳбари С.Қосимова мурожаат қилиб, 2002 йилда Дўстлик дон маҳсулотлари корхонасидан шартномага асосан етказиб берган дон пулини шу кунгача ололмай келаётганини баён қилган. Фермер манфаатини кўзлаб Дўстлик дон маҳсулотлари корхонасидан 1.436.000 сўм асосий қарзни ва 718000 сўм пеняни «Ғаллабанк» Жиззах бўлимидан ундириш тўғрисида вилоят хўжалик судига даъво аризасини киритди.

«Ишонч» телефонлари орқали келиб тушган мурожаатлар асосида судларга 12 та даъво аризаси киритилди.

**Ихтиёр ХЎРОЗОВ,**
**Жиззах вилоят Адлия бошқармаси статистика бўйича бош маслаҳатчиси**

# TV дастури

16-22 июн

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

## ДУШАНБА, 16

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.45 «Таҳлилнома».
8.45 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.30 «Бир кулишайлик».
9.45 «Умр мазмуни».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Қора қисқичбақа чангалида». Бадиий фильм.
11.30 Ўзбекистон телерадиокомпанияси камер оркестрининг концерти.
11.55, 12.25, 13.55 ТВ анонс.
12.05 «Кўрсатувдан - кўрсатувгача».
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
12.30 1. «Санъат ғунчалари».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
13.30 «Санъатга бахшида умр». М. Турғунбоева.
14.10 Кундузги сеанс: «Уйга йўл». Бадиий фильм.
15.30 «Яхшилик». Телешоу.
16.20 «Камила». Телесериал.
16.50 ТВ клип.
17.00 «Сиҳат-саломатлик».
17.20 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
17.55 ТВ маркет.
18.10 «Қалб гавҳари».
18.30 «Томчи сувда ҳаёт жилваси». Ҳужжатли фильм.
18.50 Эстрада тароналари.
19.05 «Мулкдор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Биржа ва банк хабарлари.
20.30 «Ахборот».
21.05 2003 йил - Обод маҳалла йили. «Кўпчилик қаторида».
21.25 ТВ клип.
21.35 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Қиш сонатаси». Телесериал.
22.45 ТВ клип.
22.55 «Баркамол авлод» спорт ўйинлари якунларига доир.
23.15 «Япония турмуш тарзи». Ҳужжатли телесериал премьераси.
23.35 «Ахборот-дайжест».
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Давр» ҳафта ичида.
17.30 ТВ - анонс.
17.35 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
18.00 «Янги авлод» почтаси.
18.15 «Мульттомоша».
18.30 Ёшлар овози.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 ТВ - анонс.
19.40 Илдиз ва япроқ.
20.00 Мусиқий лаҳзалар.
20.10 Сув – ҳаёт манбаи.
20.15 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.
20.35, 21.20, 22.35 Эълонлар.
20.40 «Гвадалупе». Телесериал.
21.25 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.45 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 TTVда сериал. «Муҳаббат риштаси».
18.10 «Спорт ва болалар».
18.30, 20.00, 21.05, 21.40 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 Халқ саломатлиги йўлида».
19.15 « «TTVда сериал. «Мафтункор аёл».
20.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.25 «Avto-news».
22.05 Кинонигоҳ. «Бу бепоён олам».
23.50.23.55 Хайрли тун, шаҳрим.

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Ҳисор қўриқхонаси». Телефильм.
17.10 «Евроньюс» янгиликлари.
17.30 «Ҳазил кетидан ҳазил». Ҳажвий кўрсатув.
18.00 «Мени кутгил».
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин.
20.00 «Время».
20.35 «Бешинчи бурчак». Сериал.
21.40 «Бизнес ревю».
21.45 «Ўз ўзига режиссёр».
22.30 «Соломея». Сериал.
23.25 «Ахборот» (рус тилида)
23.55 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## СЕШАНБА, 17

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35, 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Жавоҳирлар дунёси», «Тошлар тилга кирганда».
9.20 «Мусиқа бўстони». Телеальманах.
9.40 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Эмма». Бадиий фильм.
11.50 ТВ клип.
12.05 «Кўпчилик қаторида».
12.25 «Мулкдор».
12.45 , 14.40, 15.55 ТВ анонс.
12.50 «Қиш сонатаси». Телесериал.
14.10 «Муносабат».
14.45 Кундузги сеанс: «Сеҳрли саргузашт». Бадиий фильм.
16.00 «Портретга чизгилар».
16.20 ТВ клип.
16.30 «Покахонтас». Мультсериал.
16.55 «Ватанимга хизмат қиламан».
18.10 «Баркамол авлод орзуси».
18.30 «Олтин бешик».
18.50 «Қалқон».
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Эл саломатлиги йўлида».
21.25 ТВ клип.
21.35 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Қиш сонатаси». Телесериал (Якунловчи)
22.45 «Қиш сонатаси: Премьерадан сўнг. »
«Спорт» дастури» :
23.00 1. «Баркамол авлод» спорт ўйинлари якунларига доир.
2. Самбо бўйича Ўзбекистон чемпионати.
23.45 «Ахборот-дайжест».
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 Тонгги сериал: «Виждон» 9-қисм.
10.00 ТВ-анонс.
10.05 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, «Меҳригиё» ансамбли, Мультфильм.
11.05 Бизнес - академия.
11.20 «Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 Кўҳна оҳанглар.
12.30 Сув – ҳаёт манбаи.
12.35 Илдиз ва япроқ.
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил экрани: «Самовий саргузаштлар» 5 - қисм.
13.35 Мозийдан келажакка.
13.55 Интерфутбол.
15.35 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
16.00 Қишлоқдаги тенгдошим.
16.20 «Олти жаҳонгашта». Бадиий фильм.
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
17.50 ТВ – анонс.
17.55 Солиқ ҳақида сабоқлар.
18.10 Қуёшли юрт одамлари.
18.25 Автопатрул.
18.45 ТВ - анонс.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр»- интервью.
19.50 ТВ - анонс.
19.55 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Антиқа томоша». Ҳужжатли фильм 1-қисм.
20.20 Марди майдон.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Нокаут, 2.Теннис.
23.50-23.55 Хайрли тун.

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 TTVда сериал. «Муҳаббат риштаси».
18.10 «Ҳимоя».
18.30, 20.00, 21.05, 21.55 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Ҳамшаҳарлар».
19.15 «TTVда сериал. «Мафтункор аёл».
20.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.25 «Туризм ҳақида».
22.20 Кинонигоҳ. «Шарпа овловчилар». 1-қисм.
23.50-23.55 Хайрли тун, шаҳрим.

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Мультсеанс».
17.10 «Евроньюс» янгиликлари.
17.30 CFI тақдим этади: «Денгиз афсоналари».
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 А. Малининнинг концерт дастури.
20.00 «Время».
20.40 «Бешинчи бурчак». Сериал.
21.45 «Бизнес ревю».
21.50 «Хроника».
22.00 «Дунё мамлакатлари».
22.20 «София Лорен». Машҳурлар туркумидан.
22.50 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
23.00 «Соломея». Сериал.
24.00 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ЧОРШАНБА, 18

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
9.00 «Шарқ тароналари».
9.20 «Рангин дунё».
9.40 «Меҳрибон тулки». Мультфильм.
10.00, 12.00, 14.00,18.00 Янгиликлар.
10.05 «Тафсилот».
10.25 «Малласоч хоним». Бадиий фильм.
11.40 «Мусиқамиз хазинасидан». 1-қисм.
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
12.05 «Хатолар ороли». Мультфильм.
12.30 «Баркамол авлод орзуси».
12.50 «Қиш сонатаси». Телесериал.
14.10 «Эл саломатлиги йўлида».
14.30 Кундузги сеанс: «Омад ҳамиша келавермайди». Бадиий фильм.
15.40 «Ягона оилада».
16.10 «Алпомиш» изидан». Видеофильм. 4-қисм.
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
16.30 1. «Югурамиз-чопамиз».
2. «Ёш юлдузлар».
17.30 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. «Пахтакор»-»Сурхон». «Пахтакор». Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида -.Янгиликлар.
19.15 Бир жуфт қўшиқ.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 «Юзма-юз».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Журналист таҳлили».
21.25 ТВ клип.
21.35 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.05 «Тарих кўзгуси».
22.20 Самбо бўйича Ўзбекистон чемпионати.
22.45 «Агар Сиз». Ток-шоу.
23.20 «Ахборот-дайжест».
23.40-23.45 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» - интервью.
9.30 Тонгги сериал: «Виждон» 10-қисм.
10.15 ТВ-анонс.
10.20 Тараққиёт уфқлари.
10.40 «Янги авлод» студияси: Дунё ва болалар.
11.00 Қуёшли юрт одамлари.
11.15 «Гвадалупе». Телесериал.
11.55 Олов билан юзма-юз.
12.10 Ёшлар овози.
12.30 «Ақлдан оздирадиган ўйинлар». Сериал.
12.55 ТВ-анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил экрани: «Самовий саргузаштлар» 6 - қисм.
13.35 «Меҳр кўзда». Мактубларга шарҳ.
13.55 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1 Нокаут, 2 Теннис.
15.00 Ғазал соғинчи.
15.20 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
15.45 Автопатрул.

16.05 «Тўртинчи доирадаги бир кеча»Бадиий фильм.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
17.40 Болажон.
17.55 ТВ – анонс.
18.00 Кафолат.
18.20 Ёшлар овози.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 Лабиринт.
20.00 Спорт- лото.
20.10 Мусиқий лаҳзалар.
20.20 Чемпион сирлари.
20.40 ТВ – Бинго анонси.
20.45, 21.30, 22.35 Эълонлар.
20.50 «Гвадалупе». Телесериал.
21.35 «Бунёдкор» ёшлар телеклуби.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
0.25 – 0.30 Хайрли тун.

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 TTVда сериал. «Муҳаббат риштаси».
18.10 Болажонлар экрани.
18.30, 20.00, 21.05, 22.35 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Мусиқий меҳмонхона».
19.15 TTVда сериал. «Мафтункор аёл».
20.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.25 «Янги иқтисод». Бевосита мулоқот.
22.15 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.
23.00 Кинонигоҳ. «Шарпа овловчилар». 2-қисм.
00.40-00.45 Хайрли тун, шаҳрим.

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Ҳинд оҳанглари».
17.10 «Евроньюс» янгиликлари.
17.30 «Биз анойи эмасмиз». Ҳажвий дастур.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Заиф бўғин».
20.00 «Время».
20.40 «Бешинчи бурчак». Сериал.
21.45 «Бизнес-ревю».
21.50 «Спорт технологияси».
22.10 «Олам бўйлаб».
22.55 «Соломея». Сериал.
23.50 «Ахборот» (рус тилида)
00.20 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ПАЙШАНБА, 19

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Югурамиз-чопамиз».
2. «Ёш юлдузлар».
10.00 , 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Олтин маъбуда». Бадиий фильм.
11.20 «Ҳунарманд».
11.40 «Мусиқамиз хазинасидан». 2-қисм.
12.05 «Дуоибад», Бердақ номидаги қорақалпоқ театрининг спектакли. 1-қисм.
13.05 «Иқтидор». Интеллектуал телеўйин.
13.40 «Журналист таҳлили».
14.10 Кундузги сеанс: «Шаҳарликлар». Бадиий фильм.
15.30 «Оламни асранг!»
15.50 «Камила». Телесериал.
16.20 «Алпомиш» изидан». Видеофильм. 5-қисм.
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
16.40 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
2. «Таътилдаги болалар».
17.40 «Ҳарита». Халқаро шарҳ.
18.10 «Ўзбекистон - Ватаним маним!»
18.30 «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!»
18.45 «Маҳалламиз стадиони». Спорт дастури.
19.05 «Соғлом она - соғлом бола».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инлиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот.
21.45 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.15 ТВ клип.
22.25 «Тарих кўзгуси».
22.40 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
23.40 «Ахборот-дайжест».
24.00-00.05 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 Тонгги сериал: «Виждон» 11-қисм.
10.00 ТВ - анонс.
10.05 Болажон.
10.20 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
10.40 Тафаккур ёлқинлари.
10.55 Ёшлар овози.
11.15 «Гвадалупе». Телесериал.
11.55 Кўҳна оҳанглар.
12.05 Спорт - қитъаси (рус тилида)
12.35 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.55 ТВ - анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил экрани: «Самовий саргузаштлар» 7-қисм.
13.35 Интерфутбол.
15.15 Мезон.
15.35 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
16.00 ТВ - анонс.
16.05 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
16.55 Кўрсатувлар дастури.
17.00 «Янги авлод» студияси: Ҳамма нарсани билишни истайман, Мультфильм.
17.40 Бахтли болалик қўшиқлари.
17.50 Озод юрт фарзандлари.
18.05 ТВ - анонс.
18.10 Ракурс.
18.30 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» – интервью.
19.50 ТВ-анонс.
19.55 «Антиқа томоша». Ҳужжатли фильм 2-қисм.
20.20 Мусиқий лаҳзалар.
20.30 Ўзимизники.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Ёшлар овози.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури:. Интерфутбол.
0.25-0.30 Хайрли тун.

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 TTVда сериал. «Муҳаббат риштаси».
18.10 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 21.05, 21.55 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Бурч ва маъсулият».
19.05 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Сарчашма».
19.15 «TTVда сериал. «Мафтункор аёл» (якунловчи)
20.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.25 «Умр йўлдоши».
22.20 Кинонигоҳ. «Ўз ҳисобидан таътил».
00.30-00.35 Хайрли тун, шаҳрим.

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Мультсеанс».
17.10 «Евроньюс» янгиликлари.
17.30 «Владимир Этуш». Ҳужжатли фильм.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Хулио Иглесиас». Ҳужжатли фильм.
19.45 «Жаҳон рақслари».
20.00 «Время».
20.40 «Бешинчи бурчак». Сериал.
21.45 «Бизнес ревю».
21.50 «Юқори технологиялар олами».
22.00 «Арт-каталог».
22.20 «Соккер клуб».
22.40 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
22.50 «Соломея». Сериал.
23.45 «Ахборот» (рус тилида)
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ЖУМА, 20

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
2. «Таътилдаги болалар».
10.00 , 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Телевизорни ўчиришни унутманг». Бадиий фильм.
11.20 «Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!»
11.35 «Нафосат гулшани».
11.55 ТВ анонс.
12.05 «Дуоибад». Бердақ номидаги қорақалпоқ театрининг спектакли. 2-қисм.
13.00 ТВ клип.
13.10 Маҳалламиз стадиони». Спорт дастури.
13.30 «Олам». Телеальманах.
14.10 Телемулоқот.
14.50 «Озод юрт одамлари».
15.10 «Камила». Телесериал.
15.40 «Шахс ва жамият».
16.00 «Алпомиш изидан». Видеофильм. 6-қисм.
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
16.20 1. «Қизиқарли учрашувлар»:
2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
3. «Покахонтас». Мультсериал.
17.45 «Нурли манзиллар».
18.10 «Тиббиёт одимлари».
18.25 Репортаж.
18.30 Мумтоз наволар.
18.45 «Тафсилот».
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 ТВ клип.
21.45 «Ўзбекистон» каналида илк маротаба: «Камила». Телесериал.
22.15 «Олтин бешик».
22.35 «Қизлар давраси»».
00.05 «Ахборот-дайжест».
00.25-00.30 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр»-интервью.
9.30 Тонгги сериал: «Виждон» 12-қисм.
10.15 ТВ - анонс.
10.20 «Янги авлод» студияси: Ҳамма нарсани билишни истайман, Мультфильм.
11.00 Ракурс.
11.20 Тонгги тароналар.
11.30 «Гвадалупе». Телесериал.
12.10 Ёшлар овози.
12.30 «Ақлдан оздирадиган ўйинлар». Сериал.
12.55 ТВ-анонс.
13.00 Давр.
13.10 Ёзги таътил экрани: »Самовий саргузаштлар» 8-қисм.
13.35 Интерфутбол.
15.15 Кўҳна оҳанглар.
15.25 «Ҳақиқат чегараси». Сериал.
15.50 Жар ёқасида.
16.05 ТВ - анонс.
16.10 Кўрсатувлар дастури.
16.15 Уйна, болажон, ўйна.
16.30 «Янги авлод» студияси: У ким?, Бу нима?, Мультфильм.
17.10 ТВ - анонс.
17.15 Қишлоқдаги тенгдошим.
17.35 Аскар мактублари.
17.55 Ёшлар ва ҳуқуқ.
18.15 ТВ-Бинго миллионер. Телелотерея.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 Мусиқий лаҳзалар.
20.00 Азизим.
20.40 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Болалар спорти: аҳвол қандай?.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ – анонс ва тунги тароналар.
22.55 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Ринг қироллари, 2.Футбол плюс.
0.15-0.20 Хайрли тун.

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 TTVда сериал. «Муҳаббат риштаси».
18.10 «Билим» телеклуби.
18.30, 20.00, 21.05, 22.00 «Пойтахт». Ахборот дастури.
18.50 «Ўзбегим навоси».
19.5. «Кичкинтой». Бадиий фильм.
20.25 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
21.25 «Саломатлик маскани».
21.45 «Умр ғанимат».
22.25 Кинонигоҳ. «Катта».
00.05-00.10 Хайрли тун, шаҳрим.

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

Биринчи канал. 6.30-8.00
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.50 «Табиат билан юзма-юз». Телефильм.
17.10 «Евроньюс» янгиликлари.
17.30 Ҳужжатли фильм.
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди». Телеўйин.
20.00 «Время».
20.40. «Бешинчи бурчак». Сериал.
21.45 «Бизнес ревю».
21.50 «Дурдаршан».
22.15 «Хит-парад».
22.35 «Тунги учрашув».
22.50 «Яшаш воситаси».
23.05 «Услуб».
23.15 «Тунги навбатчилик».
23.30 «Соломея».
00.20 «Ахборот» (рус тилида)
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ШАНБА, 21

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
Ёзги таътил кунларида:
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Қизиқарли учрашувлар».
2. «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
10.00 «Ҳидоят сари».
10.20 «Олтин бешик».
10.40, 15.55 ТВ анонс.
10.45 «Бу турфа олам».
11.35 «Маърифат». Телеальманах.
11.55 «Ноттинг Хилл». Бадиий фильм.
13.45 «Санъатга бахшида умр».
14.10 «Адабий жараён».
14.30 «Чорраҳа».
14.50 ТВ клип.
15.00 «Бенжамин Франклин: олим ва ихтирочи». Мультфильм премьераси.
15.25 «Ягона оилада».
16.00 «Уйда ёлғиз -3». Бадиий фильм.
17.40 «Рангин дунё».
18.00 «Куйла, ёшлигим».
18.25 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
18.45 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инлиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 «Гап чиқди». Телешоу.
21.55 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
22.15 «Балли, раислар!» Телемусобақа.
23.05 «Ахборот-дайжест».
«Тунги ёғду»:
23.25 «Аёл тароватi». Бадиий фильм. 1-қисм.
00.45-00.50 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион-дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» нигоҳи.
9.35 ТВ - анонс.
9.40 «Янги авлод» студияси: У ким?, Бу нима?, Мультфильм.
10.20 Суҳроб Кенжаев куйлайди.
10.30 Табобат оламида.
10.50 «Хўжамқул ва унинг шогирдлари» («Ўзбектелефильм»)
11.10 Ўзбек мумтоз шеъриятидан.
11.15 «Гвадалупе». Телесериал.
11.55 Кутилмаган меҳмон.
12.15 Ринг қироллари.
13.05 ТВ - анонс.
13.10 Ўзбекистон давлат консерваторияси талабалари ижро этади.
13.25 Бола тилидан.
13.55 «Мульттомоша».
14.10 «Экспедиция». Кўп қисмли ҳужжатли сериал.
15.00 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.20 «Буни ишқ дейдилар». Бадиий фильм 2-қисм.
16.05 Ёшлар ва ҳуқуқ.
16.25 «Учинчи сайёра» маърифий дастури.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма, Кичкинтой театри.
18.10 ТВ - анонс.
18.15 Саломатлик сирлари.
18.35 Каталог.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр»-репортаж.
19.45 ТВ - анонс.
19.50 Оқшом наволари.
20.05 Ҳандалак плюс.
20.10, 21.00, 22.35 Эълонлар.
20.15 «Буни ишқ дейдилар». Бадиий фильм 3-қисм.
21.05 Сув – ҳаёт манбаи.
21.10 Оҳанрабо.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.55 Кинотақдим.
23.15 «Ёшлар» телеканалида премьера: «Занжир». Бадиий фильм 1-қисм.
0.40-0.45 Хайрли тун.

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Мультчархпалак».
17.40 «Жаҳон географияси».
18.10 «Афиша».
18.30 «Эҳтиром ила»
18.45 «Ўзбектелефильм» студияси намойиш этади: «Ўзбекистон табиати».
19.05 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.45 «Мисли гавҳар».
20.00 «TV мадад».
20.10 «Нима учун?»
20.40 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
21.00 2003 йил – Обод маҳалла йили: «Саодат калити».
21.50 Кинонигоҳ. «БУМ-1».
23.35-23.40 Хайрли тун, шаҳрим.

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ.

8.50 Кўрсатувлар тартиби.
8.55 «Алиса мўъжизалар мамлакатида». Фильм-балет.
9.55 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси.
10.35 «Дисней-клуб».
11.00 Болалар соати: «Пеппи-узун пайпоқ». Бадиий фильм, 1-қисм.
12.10 «Ишбилармон кишилар».
12.30 «Экран зийнати ва қиймати».
13.00 «Табиатшунос билан саёҳат».
13.30-14.30 Дўстлик видеоканали: «Ўзбекистон очиқ қалб билан», «Умид», «Немис шарҳи».
16.35 Кўрсатувлар тартиби.
16.40 «Бинафша».
17.00 «Билишни истайман».
17.20 «XXV Москва Халқаро кинофестивалнинг очилиши».
18.00 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
18.50 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.30 «А. Абдуловнинг ижодий кечаси».
22.25 «Кўнгил-кўнгилга пайванд».
22.40 «Ахборот».
23.10 «Каролина Лемб хоним». Бадиий фильм.
1.10 «Тунингиз осуда бўлсин!»

## ЯКШАНБА, 22

### «ЎЗБЕКИСТОН» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.20 «Кўҳна замин оҳанглари».
9.40 «Карлсоннинг қайтиши». Мультфильм.
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа олам».
12.10 ТВ анонс.
12.15 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
12.55 ТВ 1 кинотеатри: «Жаннат». Бадиий фильм. 1-қисм.
14.10 «Истеъдод».
14.30 «Жаннат». Бадиий фильм. 2-қисм.
15.50 «Гап чиқди». Телешоу.
16.40 «Довонлар оша».
17.00 «Покахонтас». Мультсериал.
17.25 «Саломатлик маскани».
Ёзги таътил кунларида.
«Болалар сайёраси»:
17.45 1. «Улғайиш поғоналари».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.45 «Бир кулишайлик».
19.05 «Қалб гавҳари».
19.25, 20.00. 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Кўрсатувдан - кўрсатувгача».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Концертдан сўнг». Озода Нурсаидова.
21.45 «Яхшилик». Телешоу.
«Якшанба кинозали»:
22.25 «КиноТеатр».
22.45 «Аёл тароватi». Бадиий фильм. 2-қисм.
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

### «ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион - дам олиш дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма, Кичкинтой театри.
9.50 «Давр» - репортаж.
10.00 Оҳанрабо.
10.40 ТВ - анонс.
10.45 «Антиқа томоша». Ҳужжатли фильм 1-қисм.
11.10 «Қилни қирқ ёриб...» Интеллектуал ўйин.
12.00 «Ёшлар» телеканалида ҳарбий-ватанпарварлик дастури: 1.Марди майдон, 2Аскар мактублари.
12.40 «ФИФА» (футбол ичида, футбол атрофида)
13.20 «Антиқа томоша». Ҳужжатли фильм 2-қисм.
13.45 «Ниҳол» мукофоти соҳиблари.
14.00 «Экспедиция». Кўп қисмли ҳужжатли сериал.
14.50 Азизим.
15.30 «Буни ишқ дейдилар». Бадиий фильм 3-қисм.
16.15 ТВ - анонс.
16.20 Лабиринт.
16.45 Кўрсатувлар дастури.
16.50 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, Келинг, танишайлик.
17.40 «Мульттомоша».
17.55 ТВ - анонс.
18.00 Спорт ҳафтаномаси.
18.15 Ҳандалак.
18.45 Олтин мерос.
18.55, 21.50 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.20 ТВ – анонс.
19.25 Ниқоб.
19.30 Ғайрат Усмонов куйлайди.
19.50, 20.40, 22.30 Эълонлар.
19.55 «Буни ишқ дейдилар». Бадиий фильм 4-қисм.
20.45 «Заковат» интеллектуал ўйини.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 ТВ-анонс ва тунги тароналар.
22.50 «Занжир». Бадиий фильм 2-қисм.
0.15 – 0.20 Хайрли тун.

### «ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
19.00 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.40 «TV мадад».
19.50 «Жаҳон географияси».
20.20 «ТВ плюс».
20.50 «Нима учун?» гуруҳи тақдим этади: «Шунақа гаплар». Ҳажвий кўрсатув.
21.05 Кинонигоҳ. «БУМ-2».
22.55-23.00 Хайрли тун, шаҳрим.

### «ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛ

9.05 Кўрсатувлар тартиби.
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.05 «Фан-тайм».
10.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
10.25 «Қувноқ инглиз тили».
10.35 «Кайфият». Информацион дам олиш дастури.
12.05 «Лаззат сеҳри».
12.35 «Дисней клуб».
13.00 «Парле ву франсе?»
13.25 «Ошхонада инглизча гаплашамиз».
13.35 «Т. Полонская билан бирга».
14.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
14.20-15.40 «Дидар», «Ватан сурури», «Айдинлар», «Корейс тилини ўрганамиз».
17.00 Кўрсатувлар тартиби.
17.05 «Одри Хепберн». Машҳурлар туркумидан.
17.50 «Истиқомат ҳуқуқи». Бадиий фильм.
19.30. «Соғинч».
19.50 «Дунёга назар».
20.05 «Ҳикоя».
20.25 «Кинопрофи».
20.45 «Калейдоскоп». Бадиий фильм.
22.00 «Тенгдошлар».
22.30 «Спорт-менинг ҳаётим».
22.50 Бокс. Виталий Кличко - Росс Пьюрити.
23.50 «Таҳлилнома» (рус тилида)
00.30 «Тунингиз осуда бўлсин!»

*Бугуннинг ҳикояти*

# ИНСОНИЙЛИК НИШОНАСИ

***Бу дунё ҳикматга тўла, деганлари тўғри экан. Унинг мағзини чақиш учун китоб титкилаш шарт эмас. Ҳаётнинг ўзи тенгсиз устоз. Кўрган-кечирганларингизни хаёл ойнасидан ўтказсангиз, «инсон» аталувчи улуғ зотнинг янгидан-янги қирралари намоён бўлавераркан.***

## ТУНДА УЧРАГАН НОТАНИШ

Беҳзод деган шифокор йигит билан анчадан бери салом-алигимиз бор. Ғоят одобли, камтар ва камсуқум, аммо ўз ишининг устаси. Дам олиш кунларининг бирида боғда учрашиб қолдик. Бир пиёла чой устида ҳангомамиз давом этди. Гап мавзуси одамгарчилик, ўзаро ёрдам ҳақида бораркан, кутилмаганда у шундай деб қолди:

– Сиз вилоятни айланиб юрадиган одамсиз. кўпларни танийсиз. Икки йилдирки, бир кишини топа олмасдан хунобман. Жон ака, ёрдам берсангиз!

Илтимоси боисини айтиб берди у...

– Болаларга табиатни кўрсатиш, ўйнатиб келиш учун Нанай тарафларга олиб чиққандим. Тоғ ҳавоси эмасми, аксига олиб нонуштадан кейиноқ ёмғир бошлаб қолди. Тинишини кутиб кечга қолиб кетдик. Иш бир чаппасига олса, давом этавераркан. Қоронғи тушгунча тинмаса-я! Мезбонлар илтимосига қарамай йўлга чиқдик.

Ярим йўлда баллон иш кўрсатди. Юкхонани очсам, заҳираси ҳам пуччайиб ётибди. Ёмғир эса ҳали бери тўхтайдиганмас. Ярим соатга яқин бутун борлиғим ивиб тургандим ҳамки, битта «Москвич» келиб тўхтади. Аҳволни билгач, шартта ўзининг заҳирасини чиқариб берди. Қандай миннатдорчилик билдиришни ҳам билмасдим. Пул узатсам олмади. Тошбулоқ қишлоғидан кейинги сойдан ўтиб «Абдулла» десангиз танишади, йўлингиз тушса қолдириб кетарсиз, деди-ю кетди. Шошилинчда фамилиясини ҳам сўрамабман. Атайлаб бордим, бир эмас, иккита сой келаркан. Абдулла исмлилар ҳам анча экан. Топа олмадим.

Дўхтир айтган одамнинг белгиларини суриштирдим. Тасодифни қарангки, танир эканман.

– У кишининг фамилияси Парпиев. Қатағонсарой қишлоғидан. Ҳозир фермер. Хўжалик паррандачилик фермасини сотиб олган. Эртасига якшанба куни Абдуллажон деган танишимни туман деҳқон бозорида учратиб қолдим. Ҳақиқатан ҳам ўша киши экан. Эслатсам, қўл силтади.

– Хотирамда ҳам йўқ эди. Бундай шароитда нима ҳам қилиш мумкин, - деди у камтарона жилмаяркан.

Беҳзод балонни эгасига топшириб келгач хижолат тортгандек бош чайқади:

– Ажойиб одам эканлар. Гўёки мен эмас, у киши қарздордек, унамасам ҳам қўярда-қўймай меҳмон қилдилар. Уйга келиб қарасам, машинам юкхонасига бир жуфт товуқ билан челакни тўлдириб тухум ташлаб қўйибдилар. Хуллас, битта баллон олиб бориб, иккита баллонга тушириб қайтдим...

## ҲУНАРЛИ ХОР БЎЛМАС

Норин туманида Абдумалик Тошбеков деган фахрий журналист яшайди. Қирқ йилдан ортиқ газетада ишлаган. Ўзиям болаларча содда, фариштадек покиза одам. Бир сафар туманга йўлим тушганида:

– Сизга шоир Уйғуннинг «катта акаси»ни таништириб қўяман, - деб қолди. Рози бўлдим.

Ёши етмишдан ошган отахонни шундоқ дарвозаси олдидаги қўлбола ўриндиқда тенгдошлари билан ҳангомани қизитаётган маҳалида учратдик. Сўзомолгина экан. Кўрган-билганларини дарров тўкиб солди.

...Олтмишинчи йилларда туман марказига уланган жамоага иттифоқо Уйғун домла ташриф буюрганида идорада қоровуллик қиладиган Усубали ака шўрва пишираётган экан. Меҳмонга бошқа таом пишгунча шўрвани келтиришибди. Эртасига домла ошпазни чақиртириб, худди шунақа шўрва пиширишни буюрибди. Қўйингки, меҳмон туманда бўлган уч кун давомида Усубали акани ўзи билан олиб юриб, у пиширган шўрвадан баҳраманд бўлган. Кетиш чоғида Тошкентдаги манзилгоҳи битилган қоғозни бериб, уйига таклиф ҳам қилган.

– Бордингизми? - сўрадим қизиқиб.

– Тошкентга ўн мартача борган бўлсам, ҳар гал Уйғун ака мени азиз меҳмон сифатида қаршилардилар. Ошна-оғайниларига менинг Нориндаги «катта акам» деб таништирар ва қаерга борсак, албатта, биринчи галда шўрва буюрардилар. Вафот этганларида ҳам, қирқларида ҳам уйидагилар илтимосига кўра Уйғун ака севган Норин шўрвасидан пиширдим.

– Тошкентдан-да узоқларга боргандим дегандингиз, - сўрайман қизиқиб.

Усубали аканинг юзлари қайтадан ёришди.

– Бир маҳал Грузиядан таниқли ҳайкалтарош келиб қолди. Унга ҳам мен тайёрлаган таом маъқул келди. Ўн кунча Норинда туриб, қайтишда мени юртига бошлаб кетди. Биргаликда Грузияни роса томоша қилдик. Орадан икки йил ўтгач, у киши мени ўғлининг уйланиш тўйига ҳам чақиртирди. Палов билан шўрва пишириб бердим. Ҳунарли хор бўлмас, деб шуни айтсалар керакда, ука!

## ИНСОФ

Бир аср остонасида турган Абдумутал ота Бобохоновни Ғиштқўприк даҳасидагина эмас, Наманган шаҳрида танимаган одам кам. Бир гал зурриёдлари қанчага борганлигини сўрадим.

– Уч йил олдин набираю эвараларим олтмиш нафардан ошганди, Худо баракасини берсин, - дея оппоқ тишларини кўрсатиб кулиб қўйдилар.

Тумандан қайтаётиб, табаррук отахон кўча четидаги дўкон олдида садаф билан безатилган жигарранг ҳассаларини ниқтаб кимгадир пўписа қилиб турганларида учратдим. Машинани тўхтатиб, истиқболларига қараб юрдим.

– Тинчликми, ҳожи бобо? - сўрадим.

Абдумутал ота мени кўргач, ҳижолат тортгандай бўлдилар.

– Болакайни сал тартибга чақиряпман, - дедилар мен томонга қараб кўзларини қисарканлар. Кейин сабабини айтиб бердилар.

– Қарангки, арзимаган нарсани икки баробарига сотмоқчи бўляпти. Тўғри, Пайғамбаримиз ҳам савдогарчилик қилганлар. Биз ҳам эллик йил шу иш билан шуғулландик. Лекин инсоф керак-да. Беш бармоқни баробар оғизга тиқиш яхшиликка олиб келмайди. Болаларга ҳар доим шуни уқтириб бораман, - деди бобо.

Қанийди, ҳожи бобонинг бундай пурҳикмат сўзларига ҳамма тенг амал қилса!

**Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

Яқинда Республика Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан Наманган вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳамкорликда шаҳардаги марказий ўйингоҳда «Футбол-шоу» хайрия тадбири ўтказилди. Ички қўшинлар бош бошқармаси қошидаги «Турон юлдузлари» ашула ва рақс дастаси ва таниқли санъаткорларнинг чиқишлари томошабинларнинг олқишига сазовор бўлди. Аҳамиятлиси шундаки, тадбирдан тушган маблағ фахрий ва ногирон ҳамда хизмат бурчини бажараётган пайтда ҳалок бўлган ички ишлар ходимлари оилаларига хайрия этилади.

## СЎЗ ТАГИДА СЎЗ БОР

**СТАКАН.** Ҳар бир хонадоннинг рўзғорида учрайдиган бу идишнинг номи туркий тилдан олинган, десак ажабланишингиз мумкин. Ҳа, юқорида айтилганидек, рус халқи билан туркий халқлар ўртасида жуда қадим замонлардан бери иқтисодий ва маданий алоқалар бўлганлигини яна бир карра тасдиқловчи бу сўз аслида «кичкина ёғоч коса» маъносини англатади. Зеро, у туркийча «тостакан» сўзидан келиб чиққан. Қадимги руслар уни «достакань» тарзида ишлатганлар. Лекин у бора-бора «стакан»га айланган.

**АЛГЕБРА.** Арабча «алжабр» сўзидан олинган бўлиб, «тиклаш», «бириктириш» деган маънони англатади. Ҳозирги шаклига келишдан олдин бу сўз бир неча тилларда «саёҳат» қилиб юрган ва ниҳоят, лотин тилида «алгебра» шаклида қабул қилинган. Ундан бошқа тилларга ўтган.

**А.АЛИЕВ тайёрлади**

*Оқибатли кишилар*

## ТИНИБ-ТИНЧИМАС ШЕРМИРЗА

Битирувчиларни мустақил ҳаётга кузатиш, уларга оқ йўл тилаш тадбирларини Оҳангарон туманидаги «Зиё ота» фермер хўжалиги раҳбари Шермирза Зиёев ўзига хос тайёргарлик билан кутиб олади. Бир неча йилдирки, Шермирза 43-мактаб ўқувчилари учун битирув кечасини ўз маблағи ҳисобидан ўтказиб бермоқда.

Фермер таълим-тарбия ишларига ҳам ўз улушини қўшиш ниятида. 1997 йилда 43-мактабни ўз оталиғига олганлигига ҳам аслида шу нарса сабаб бўлган эди. Дастлаб юз бола ўқийдиган тўртта синфхонани қуриб, уни жиҳозлаб болаларга совға қилди.

Шундан бери орадан олти йил ўтди. Шермирза ҳар ўқув йили бошида бошланғич синфларда таълим олаётган болалар, кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидан 20 нафарига мактаб дарсликларини тўлиқ тўпламини тақдим этишини канда қилмайди.

Болалар кўзида порлаган севинчни кўриш ҳар бир одам учун бахтли онлар ҳисобланади. Шермирза ҳам бошланғич синф ўқувчиларидан 120 нафарини Тошкент шаҳрига саёҳатга олиб борганида, уларни бошоёқ кийинтирганда шундай лаҳзаларни бошдан кечирган эди. Мана бугун ҳам ёшлар қувончига шерик бўлиш учун елиб-югурмоқда.

**Ҳ.ТЕМИРОВ**

# ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

# ЮМАЛОҚ ХАТ УСТАСИ

*Ҳажвия*

Жиянқул амал курсисига ўтириш мақсадида дастурхон ёзишдан тортиб, түёна беришгача қўлидан келган ҳаракатини қилиб кўрдию бирор натижага эришмади. Ўқишни битириб келганда тайинланган оддий ҳисобчилигича қолаверди. Нима қилсам экан деб боши қотиб юрганида ёнига девқомат, оқ-сариқдан келган одам кириб келди.

- Исмим Турди, касбим ёзувчи, - деди бошидаги эни бир чохли шляпасини столга қўндириб...

- Э-э, шеър ёзадиларми? - қайта қўл чўзди Жиянқул.

- Нималар деяпсан, ука, ҳозир шеър, қисса ёзиб қозон қайнатиб бўларканми, аканг қарағай юмалоқ хат устаси. Тўрт энлик хатимнинг қудрати тўрт жилдлик романдан кучли. Не-не устунларнинг оёқларини осмондан қилиб юмалатмадим. Билсанг, укам, сенга ёрдамга келдим, хўп десанг, ўн йилда етолмаган ниятингга ўн кунда етказаман.

- Қандай қилиб, нима сизда қария Хаттобнинг мўъжизаларидан борми?

- Хаттобинг афсона, аммо пул, фириб ҳақиқат. Бўлмаса эшит, сен ўзингдан юқорироқ лавозимдаги шеригингнинг исми-шарифию қинғир-қийшиқроқ хатти-ҳаракатларини оқизмай-томизмай айтиб берасан, мен нишонга урмоқ тугул нақ юрагини тешиб ўтадиган хатни битиб почта қутисига ташлайман. Қарабсанки, валломат бўлса ҳам хаш-паш дегунча думи тугилади. У ерга сендан бошқа номзоднинг ўзи йўқ. Ўйлайманки, атаганингни бошлиққа эмас, менга чўзасан.

Ҳафта ўтмай туман идорасида алғов-далғов бошланади. Якунида Жиянқул бош ҳисобчи, аввалгиси оддий ҳисобчи бўлиб қолди. Шу кундан бошлаб Турдининг бир оёғи Жиянқулнинг ишхонасию уйида бўлиб қолди. Идоранинг фаррошидан тортиб бошлиғигача устидан маълумот тўплаб, юқорига хат юмалатаверди. Бир йил деганда Жиянқул бошлиқ ўринбосари, иккинчи йили бошлиқ курсисига ўтирди.

Турди ҳам қуруқ қолмади, эски машинасини «Тико»га айлантириб олди. Сих ҳам, кабоб ҳам куймади. Аммо нене азамат раҳбарларнинг қадди букилди.

- Мана, укам, кампир шафтолини данагидан ажратгунча вақт ўтмай туманнинг каттагина идорасига бошлиқ бўлдинг. Энди хоҳласанг вилоятга «тавсия» қилишим мумкин.

- Қандоқ бўларкан, гапсўз бўлмасмикин? - иккиланди Жиянқул.

- Гап-сўз бўлиши турган гап, аммо устма-уст хат юмалаб туравергач, вилоятдаги бошлиғингнинг тагини сув юваверади, сен эса пишиб етиласан. Вақтни бой бермай, тайёргарлигингни кўриб қўй, йигит.

- Вилоят бошқармамиз бошлиғининг сир-асрорини яхши билмайман-да, - тан олгандай Турдига тикилди Жиянқул.

- Шарт эмас, бир-икки марта меҳмонга таклиф қилиб, олдин кўрка, кейин қўзи сўясан. Эшитишимча, бошлиғингнинг балиқ овига суяги йўқ дейишади. Дарёга келсин, қармоғингга илиниб қолганини ўзи ҳам билмай қолади. Қарабсанки, еган оғиз уялади эмас, юмилади.

Юмалоқ хатлар энди вилоятдан пойтахт томон юмалай бошлади, ҳар хатдан кейин вилоят бошқармаси бошлиғи курсиси атрофида шамол айлана бошлади. У тиниш ўрнига тўфон, бўронга айланди. Панжаларидан бошигача шамоллаб, шалвираган шўр пешона бошлиқ амалдан воз кечди. Турдининг турткисидан ўзига келган Жиянқул кўз очиб юмгунча вилоят бошқармаси бошлиғи курсисига келиб ўтирди.

– Хўш, укам, энди хат юмалатишга ҳожат бўлмаса керак? – талмовсиради Турди юмшоқ курсига ёйилиб ўтириб.

– Нега энди, бу ерда ўтирганлар анойи эмас. Уларнинг бўйнини эгишнинг ўзи бўлмайди-ку. Бунда энг осон йўл сизнинг юмалоқ хатингиз, акам.

– Гапингда жон бор, укам. Ўзинг ҳам етилиб қолибсанми, – жонланди Турди.

Ҳаш-паш дегунча, бошқармадаги топармон-тутармонлар хатга тушиб улгуришди. Ходимлар борабора бошлиқдан ҳам кўра раҳбар эшигини тепиб кириб-тепиб чиқадиган Турдига қуюқроқ таъзим қила бошлашди.

– Сиз ёзмаган ким ҳам қолди? – деди Жиянқул бир куни қўлидаги рўйхатни Турдига узатиб.

– Биз ёзмаган десак, тўғрироқ бўлармиди! – тузатиш киритди Турди.

– Дарвоқе, қолмади ҳисоб.

– Ўзимни ҳисобга олмаганда, – деди Турди киноя аралаш.

– Тушунмадим! – хушёр тортди Жиянқул.

– Мановини ўқисангиз тушуниб оласиз, – дея Турди боя котиба берган газетани узатди.

– Бу нима, фельетон-ку!

– Ҳа, сарлавҳасини ҳам боплаб қўйишибди: «Юмалоқ хат устаси».

**Ўткир ЖЎРА**

*Ним табассум*

## БИТТА «ЗА»ГА МИНГ ТАНГА

Афанди қариб қолган чоғида мевали дарахт кўчатларини ўтқазаётган эди, подшо келиб қолди:

- Ҳой, чол! - деди подшо. - Сен пири фоний бўп қолибсан. Бу экаётган дарахтларингнинг мевасини ейман деб ўйлаяпсанми?

- Ўтганларнинг экиб қолдирганларидан биз фойдаланяпмиз. Энди бизнинг экканларимиздан авлодларимиз фойдалансинлар, деб экяпман.

Бу гап подшога ёқиб кетиб: «За», деб юборди. Бу унинг офарин дегани эди, подшо ҳар гал шу сўзни айтганида минг танга инъом берилиши шарт эди. Подшонинг ёнидаги хазиначи дарҳол Афандига минг танга санаб берди.

Афанди қуллуқ қилиб:

- Мана, кўрдингизми, подшоҳим, меваларим ҳозирданоқ ҳосил берди, - деди.

Подшо янаям хурсанд бўлиб: «За», деди. Хазиначи яна минг танга санаб берди.

- Аслида мевали дарахтлар йилда бир марта ҳосил беради. Лекин подшоҳимнинг пойи-қадамлари шарофатидан икки марта ҳосил берди.

Подшога бу гап хуш келиб, яна: «За», деб юборди.

Хазиначи Афандига яна минг тангани санаб берди-да, секин подшонинг қулоғига шивирлади:

- Э, подшоҳи олам, агар тезроқ кетмасак, бу чол хазинангизни буткул қуритади.

## ОЛМОС ТЕРМОМЕТР

Американинг «Женерал электрик» фирмасида сунъий олмосдан термометр ясалди. Бу ўзига хос асбоб нолдан паст ҳароратдан то 700 даражагача бўлган иссиқликни ўлчай олади.

Шуниси ҳам борки, ўта мустаҳкам бўлган мазкур термометр ҳароратни тез ўлчайди.

*Турфа олам*

## БАХТ БЕЛГИСИ

Тақа топиб олган киши бахтли бўлади, дейишади баъзи одамлар. Бу гапнинг бирон асоси борми ёки шунчаки айтилган гапми? Тарихий манбаларда айтилишича, отлар эрадан олдинги даврларда ҳам тақаланар экан. Ўша вақтларда мансабдор кишилар минадиган отларнинг тақаси олтин ва кумушдан ясалган.

Тақалар вақт ўтиши билан сийқаланиб, отнинг оёғидан тушиб қолар эди. Бундай тилла ёки кумуш тақаларни топиб олган одам ҳақиқатдан бахтли ҳисобланарди.

Отнинг оёғидан тушиб қолган тақани ердан олишга мансабдорларнинг бўйни ёр бермаган. Улар буни паст иш деб билардилар.

# КРОССВОРД



**Диогоналлар бўйича ўнгга:** 3. Ишқорий металл. 4. Бир мавзуга бағишланган илмий асар. 9. Ҳиндистондаги шаҳар номи билан аталувчи шойи газлама. 10. Парранданинг учиш аъзоси. 13. Офицерлик таркибидаги унвон. 15. Инсоннинг ҳар жиҳатидан тобланиш фаолияти. 16. Масъулиятни зиммага олган ҳамда ишонтириш. 17. Мамлакатнинг бирор соҳасини бошқарувчи ҳукумат аъзоси. 19. Спорт беллашувининг ҳал қилувчи босқичи.

**Диогоналлар бўйича чапга:** 1. Поясидан ширинлик олинадиган техника ўсимлиги. 2. Суворий. 7. Гўзаллик, чирой. 12. Парранда боқиладиган мослама. 16. Ҳисоб илмида ўнли касрни жорий қилган «Арифметика калити» асарини ёзиб қолдирган Марказий Осиёлик олим. 17. Европадаги ҳудуди кичик давлат. 18. Тана аъзоларидаги ўзгаришларни ўрганувчи фан. 20. Келтирилган зарар учун тўланадиган ҳақ.

**Энига**: 5. XIX аср ўрталарида бунёд этилган Хиванинг Ичан қалъа ёдгорлиги таркибидаги обида. 6. Оммавий байрам томошалари. 9. Хўжалик ихтиёридаги мол-мулк. 11. Игна барглли дарахт. 19. Одил Ёқубовнинг «Диёнат» романи қаҳрамони. 21. Ғўза уруғи. 22. Ҳ.Тўхтабоевнинг «Қасоскорнинг олтин боши» асари қаҳрамони. 23. Мусиқа санъатини тарғиб қилувчи ва концертлар уюштирувчи муассаса.

**Бўйига:** 8. Ўйиб ёки бўёқ билан безак ҳосил қилиш, миллий санъат.

**Муаммонома**

**Очқич сўзлар.** 1. Сўз кўрки - 12,5,3,6,7.

2. Жаҳонда оммалашаётган миллий спортимиз - 2,13,9,5,8.

3. Кузпишар мева - 1,10,11,4.

4. Миллат - 9,13,14.

Энди очқич жавоблари асосида рақамларда яширинган шакл атрофидаги муаммономани ҳал этинг. Улардан немис шоири, мутафаккир олим Иоганн Вольфганг Гётенинг ҳикматли сўзи аён бўлади.

**Ф.ОРИПОВ тузди**

ISHONCH

МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Риҳсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама ва эълонлар бўлими (3712) 56-85-79.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.00

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134*

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Тиражи: 17449 Буюртма Г— 373. 123456